

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Жорий йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан «Монополияга қарши давлат органини қайта ташкил этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ислохотлар жараёнида монополистик фаолиятни назорат қилиш ва чеклаш соҳаси ҳам босқичма-босқич такомиллашиб бормоқда. Мазкур соҳада олиб борилаётган ислохотларни шартли равишда тўрт босқичга бўлишимиз мумкин.

Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 15 майдаги ПФ-1464-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилиб, илк маротаба монополияга қарши органга юридик шахс мақоми берилди.

Иккинчи босқичда мамлакатимизда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, монополияга қарши тартибга солиш тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги 2676-ПФ-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиб, мустақил давлат органига ўзгаририлди. Шу билан биргаликда Қўмитанинг ваколат ва вазифалари ҳам мос равишда кенгайтирилди.

Учинчи босқичда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги 3602-ПФ-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Фармони қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилди. Бу билан Қўмита тизими, ваколатлари ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилиб, янада кенгайтирилди.

Хусусан, Қўмитанинг асосий ваколатлари таркибига қўшимча равишда иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор тизимини яратиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек банкрот ва монополист корхоналарни қайта ташкил этиш каби вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, Қўмита Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органларидан бири (ушбу Кенгашнинг тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ишчи органи Адлия вазирлиги ҳисобланади) этиб белгиланди.

Тўртинчи босқичда эса монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асосиз оширилишига

2-бетда

БАНДЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида 2010 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини жадаллаштириш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ, жумладан, қишлоқ жойларда 350 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш, кичик корхоналар ва микрофирмалар сонини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича сармоявий, тармоққа оид, махсус дастурларнинг амалга оширилиши, касаначиликни ташкил қилиш, ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали унинг қўлла-ниш соҳаларини кенгайтириш ва бошқалар бу борадаги устувор йўналишлар ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган алоҳида эътибор, айниқса, саноат, қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кичик корхоналар ва микрофирмаларда жадал суръатларда янги иш ўринлари ташкил этиш имконини бермоқда. Аҳоли турар-жойларини

барпо этиш, шунингдек, аҳоли пунктларини ободонлаштириш дастурини амалга оширишни давом эттириш ҳисобига 53 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 минггага кўпдир.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йилда янги иш ўринларини ташкил қилиш бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Саноат тармоғида яратилган иш ўринлари улуши умумий иш ўринларининг 11 фоизини ташкил этди. 2009 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 7 фоиз бўлган эди.

Аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган 30 та туман ва шаҳарларда ҳисобот даврида 82,8 минг иш ўрни яратилди. Бу мазкур туманлар учун дастурда белгиланган кўрсаткичдан 6 фоизга кўпдир. Жумладан, янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобига 28 мингга яқин иш ўрни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида, шунингдек, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, фермер ва деҳқон ҳўжаликларида паррандачиликни кенгайтириш орқали 52 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Фуқароларни иш билан таъминлашда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари муҳим ўрин тутди. Улар меҳнат бо-

зорида талаб кучли бўлган касблар, масалан, тўқимачилик ва бичиш-тикиш соҳалари, қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, ахборот-коммуникация соҳалари бўйича касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш керакки, 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз бўйича 13,8 минг киши касбга ўқитилди ва кейинчалик ишга жойлашди. Бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 марта кўп. Шунингдек, ҳокимликлар, туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари, корхоналар, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда 306,9 минг нафар киши иш билан таъминланди, ишсиз фуқаролардан 25,8 минг киши ҳақ тўланадиган вақтинчалик жамоат ишларига йўналтирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўпдир.

Вилоятлар марказлари ва туманларда ўтказилаётган иш ўринлари ярмаркалари фуқароларнинг ишга жойлашишида муҳим аҳамият касб этади. Тошкентда жорий йилнинг июнь ойи охирида ташкил этилган ихтисослашган ярмарка бунга яққол мисол бўла олади. Унда 12 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этган 500 дан зиёд корхона иштирок этди. Мазкур ярмаркага иш топиш истагида бўлган коллеж битирувчилари ва бошқалар – 18 мингга яқин киши таклиф этилди. Тадбир якунида ярмарка қатнашчиларининг 60 фоизи ишга йўланма олди.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

БИЗНЕС МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Юнусобод туман ҳокимлигининг анжуманлар залида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди.

Унда Адлия вазирлиги, туман ҳокимлиги масъуллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, тадбиркорлар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари учун очиқ эшиклар куни ҳар ойда камида бир маротаба ташкил этилиб, тадбирда иштирок этадиган тадбиркорларнинг муаммолари адлия органларининг мутахассислари томонидан алоҳида назоратга олиниб, уларга амалий кўмак берилмоқда. Жумладан, жорий йил давомида адлия органлари томонидан жами 131 маротаба «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ўтказилганлиги ҳам эътиборлидир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2010 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида адлия органларига тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатлардан 732 кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилган ҳамда улардан айримлари тегишлигига кўра бошқа идораларга юборилган.

Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ҳамда қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида «Ишонч телефонлари» (008 рақам) жорий этилган бўлиб, ҳисобот даврида «Ишонч телефонлари»га тадбиркорлардан жами 529 та мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг барчаси кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу галги Очиқ эшиклар кунида мутасаддилар томонидан республика иқтисодий ривожланишининг негизи ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш чоралари кўрилаётганлиги айтиб ўтилди. Тадбирда иштирок этган 200 нафарга яқин тадбиркорлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилиш ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоб олиш имкониятига эга бўлишди. «Ишонч телефони»га келиб тушаётган мурожаатларни тезкорликда кўриб чиқиш ва ҳал қилишда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Тадбир давомида худди шундай тадбирларни республикамизнинг бошқа вилоят ҳудудларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.



УШЎ
СОҶДА

1-2-бетлар

Соғлом рақобатни шакллантириш йўлида

\$1 = 1603,01 сўм

2-бет

Микромолиявий тармоқ янгиликлари

€ 1 = 2036,12 сўм

3-4-бетлар

Юрист маслаҳат беради

£1 = 2454,21 сўм

5-6-бетлар

Янги қонун ҳужжатлари

¥10 = 184,93 сўм

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

1-бетда йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

Шу билан бирга, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, шунингдек мазкур масаланинг давлат органидан нодавлат ташкилотга ўтказилиши беvosита кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилларидан эканлигини инобатга олиб, ушбу Фармон билан тегишли вазирлик ва идораларнинг, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектларининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан яна бир нодавлат ташкилотнинг ташкил этилиши муносабати билан Қўмитанинг асосий вазифалари қаторидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи чиқарилди.

Фармон билан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари уюшмасининг асосий вазифалари сифатида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар ва кредит ресурсларини кенг жалб этишда кўмаклашиш; маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, кичик корхоналар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришда кўмаклашиш; уюшма таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, улар учун кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш каби масалалар эътироф этилди.

Ҳозирги кунда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш масаласига доир қарори лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Р. САБИРЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик Палатаси
депутати.

Мамлакатимизда микромолиявий сектор фаол тарзда ривожлантирилмоқда. Кредитлашнинг ана шу тури молия бозори соҳасидаги давлат сиёсатининг устуворликлари жумласига киритилган. БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистонда «Микромолиялаштириш секторини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси (бундан буён матнда Лойиҳа деб юритилади) мамлакатимиз ҳукумати билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу йўналишда қонунчилик базасини такомиллаштириш, микромолиялаштиришнинг ижтимоий таъсирини янада кучайтириш, аҳолининг микромолиялаштириш имкониятларидан хабардорлигини ошириш борасида нималар қилинганлиги, шунингдек олдинда турган вазифалар ҳақида Лойиҳа менежери Дилдора ТОЖИБОЕВА куйидагиларни гапириб берди.

МАҚБУЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

– Дилдора Асомиддиновна, бизнес, айниқса, кичик бизнес борасида эндигина иш бошлаётганлар ҳамиша микрокредитларга эҳтиёжманд бўлади. Шу сабабли бу борада ишга киришилган вақтдаёқ қўллаб-қувватловчи, фаолиятнинг илк босқичларида молиялаштиришда кўмаклашувчи, айни чоғда қулай ва оддий тизим барпо этиш ижтимоий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим вазифадир. Ана шу бозорни ривожлантириш учун нималар қилинди ва унинг янада раванқ топиши йўлига нималар монелик қилмоқда?

– Иқтисодий ўсишнинг юксак суръатлари ва кичик бизнеснинг Ўзбекистон ялли ички маҳсулотидеги салмоқли улуши аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини амалга ошириш учун шароит яратиб берилишини тақозо этади. Кейинги йилларда кичик ва хусусий корхоналар сони ортиб, уларнинг фаолият турлари кенгайиб бораётганлиги, касаначилик меҳнатини ташкил этиш ва хунармандчиликни ривожлантириш йўли билан аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъмин этиши кўлами ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бу эса бизнесни ривожлантириш учун молиявий ресурсларга бўлган юксак талаб ва эҳтиёжни юзага келтирди. Мамлакатимиз ҳукумати томонидан нобанк молия институтлари секторини ривожлантириш учун қонунчилик асосларини яратиш чора-тадбирлари кўрилди.

Шунга қарамай, микромолиявий хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжни қаноатлантиришнинг бугунги даражаси етарли эмас. Иқтисодий модернизациялаш бу соҳада микромолиявий ташкилотлар барпо этишга ва уларни уқув ҳамда билимдонлик билан бошқаришга қодир мутахассислар етишмаётганлигини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Микромолиялаштириш соҳасида микромолиявий ташкилотлар учун ихтисослаштирилган консалтинг ва тренинг марказлари йўқ, қўлланма ва нашрлар эса жуда-жуда кам. Микромолиялаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини тушунадиган рейтинг ва аудиторлик компаниялари ҳам йўқ. Ўзбекистон бозоридаги халқаро

рейтинг ва аудиторлик компанияларининг хизматларидан микрокредит ташкилотлари амалда баҳраманд бўла олмаётир. Булар эса молиявий сектор кенгайишига ров бўлмоқда. Қолаверса, микромолиявий сектор изчил ривожланиб бормоқда. Тажриба қонун ҳужжатларини бу йўналишда такомиллаштириш талаб этилаётганлигини кўрсатмоқда.

Асосий тамойиллар ва талаб-эҳтиёжларни аниқлаш учун Лойиҳа мутахассислари мамлакатимиздаги 20 та микрокредит ташкилотини диагноз қилиб кўрдилар. Микромолиявий ташкилотларга кредит фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, мониторинг, кадрларга оид сиёсат ва ички назорат бўйича тавсиялар тартиб-таомилларга оид намуналар тақдим этилди. Улар шунингдек лавозим йўриқномалари ва шартномаларнинг намуналарини олишди. Диагностика асосида уларнинг таълимга бўлган талаб-эҳтиёжларига ҳам баҳо берилди. Мавжуд муаммолар ва қарама-қаршиликларни аниқлаш мақсадида Лойиҳамиз доирасида молиявий секторга комплекс баҳо бериш ва микромолиявий секторни туб-асосли таҳлил қилиш режалаштирилмоқда.

– «Микромолиялаштириш масалаларига доир қонун ҳужжатларини ривожлантиришда жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида яқинда бўлиб ўтган семинар микромолиявий сектор қонунчилик йўли

билан кўп тарафлама қўллаб-қувватланаётганлигининг далилларидан бири бўлиб қолди. Тадбирда микромолиялаштиришнинг қонунчилик базасини шакллантиришда сизларнинг Лойиҳангиз роли алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бундай базани ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш юзасидан ҳозирги кунда нималар қилинаётганлигини айтиб бера олайсизми?

– Микромолиялаштиришнинг

қадар кенгрок қамраб олишни таъминлаш, шунингдек банк ва нобанк молиявий институтлар тизими ўртасидаги шериклик ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қанча қонунчилик ва норматив ҳужжатларга ўзгартишлар киритишга доир таклифлар текширишлар ва тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилди.

БМТ Тараққиёт дастури бу ишга жаҳондаги бошқа мамлакатларда шунга ўхшаш ташаббусларда иштирок этган мутахассисларни –



қонунчилик ва бошқарувчилик базасини такомиллаштириш ташаббуслари доирасида Марказий банк мадади билан фаол иш олиб борилмоқда. Хусусан, Лойиҳа мутахассислари ва миллий маслаҳатчилари Ўзбекистондаги ва бошқа баъзи хорижий мамлакатлардаги микромолиявий фаолиятни қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосда бошқаришга янги технологиялар (масалан, масофавий ва ҳаракатланувчан банкинг, смарт ва кредит карточкаларидан фойдаланиш) жорий этилишини инобатга олган ҳолда диагностика баҳо бериш ҳамда уни қиёсий таҳлил қилишни амалга оширдилар. Микромолиявий хизматлар билан аҳолини имкон

халқаро маслаҳатчиларни жалб этди.

– Микромолиявий тармоқ таклиф этаётган хизматларнинг бу хизматларидан баҳраманд бўлувчи секторнинг ривожланганлик даражасига боглиқ. Шу сабабли мақбул норматив-ҳуқуқий муҳитни шакллантиришга устуворлик бериш билан бир қаторда микромолиявий ташкилотларнинг институционал салоҳиятини ривожлантириш ҳам алоҳида эътибор талаб этади. Лойиҳа бу йўналишда нималар қилмоқда?

– Ўзбекистонда микромолиявий ташкилотларнинг барқарор тизимини барпо этиш ҳамда Микромолиявий ташкилотлар ва кредит уюшмалари миллий уюшмасининг

МДХ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	22.07.2010	1	0,8038	1	1,0268	1	0,062
Арманистон	22.07.2010	1	365,22	1	469,2	1	11,99
Беларусь	23.07.2010	1	2990	1	3825,71	1	97,97
Грузия	22.07.2010	1	1,8424	1	2,3605	1	6,0594
Қозғоғистон	23.07.2010	1	147,65	1	189,63	1	4,85
Қирғизистон	23.07.2010	1	47,05	1	60,811	1	1,5421
Латвия	23.07.2010	1	0,55	1	0,702804	1	0,018
Литва	23.07.2010	1	2,7046	1	3,4528	10	8,8663
Молдова	22.07.2010	1	12,4238	1	15,9	1	0,4077
Тожикистон	23.07.2010	1	4,3818	1	5,6117	10	1,4544
Ўзбекистон	20.07.2010	1	1603,01	1	2036,12	1	52,62
Украина	22.07.2010	100	789,73	100	1012,1969	10	2,5973
Эстония	22.07.2010	1	12,182	1	15,6466	1	0,399903

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Монополияга қарши қонунчилик такомиллашмоқда

– Бандлик даражаси ошмоқда

– Бизнес манфаати қонун ҳимоясида

– Мақбуллаштириш йўлидан

– Валюталар курси

✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**

– Ўзига ўзи олиб келади,

– Агар пенсионер ишлашда давом этса

3-бет

✓ ИЖТМОЙ ТАЪМИНОТ

– Ўзингизга пенсияни ўзингиз буюртиринг

– Суғурта бадаллари мунтазам тўланса

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг қарори

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик

ёрдами кўрсатган республика ташкилотларига солиқ имтиёзлари бериш тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

– ЎзР ДБКнинг «Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР молия вазирининг «Усимлик (пахта) ёғи учун қатъий миқдорда белгиланган акция солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи;

– ЎзР ДБКнинг «Божхона расмийлаштируви

бўйича мутахассис тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБКнинг «Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

2010 йил 29 майдан 11 июнгача бўлган маълумот.

5-6-бетлар

✓ top 7-8-бетлар

(бундан буён матнда Миллий уюшма деб юритилади) институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш Лойиҳамиз фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Биз техник кўмак берамиз, тренинглари ва семинарлар ташкил этамиз, етакчи миллий ва халқаро экспертларни жалб қиламиз. Биринчи ярим йилликда микроолиявий ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, ходимларнинг малакасини оширишга, бошқарувнинг, молиявий ҳисоботлар юритишнинг ҳамда ижтимоий таъсир кўрсатишни идора этишнинг етакчи амалиёти ва воситаларини жорий этишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилди.

Марказий банк, Германия техник ҳамкорлик жамияти, Микроолиялаштириш маркази ва Миллий уюшма билан ҳамкорликда «Микрокредитбанк», мамлакатимиздаги микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари раҳбарлари учун ижтимоий таъсир кўрсатилишини идора этиш юзасидан семинар ўтказилди. Марказий банк вакиллари учун мўлжалланган семинар микроолиялаштиришдаги ижтимоий таъсир таъминларини аниқлашга бағишланди. Германия техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда микроолиявий ташкилот намоёндалари учун MIX-market платформасининг электрон он-лайн тизимида молиявий ҳисобот тақдим этиш ҳамда солиқ солиш бўйича тренинг юзасидан семинар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Миллий уюшма ходимлари ва кенгаш аъзолари учун самарали бошқарув ҳамда стратегия режалаштиришга оид тренинглари ўтказилди.

Лойиҳа Халқаро меҳнат ташкилотининг Халқаро таълим маркази модели бўйича «Энг яхши натижаларга эришишдаги бошқарув маҳорати муваффақиятли микроолиялаштириш калитидир» деган мавзуда анчагина қизиқ тренинг ўтказдик. Махсус йўналишдаги мазкур тренинг халқаро сертификация олиш учун яхшигина имконият яратиб берди. Бу тадбир энг аввало микроолиялаштириш бўйича аккредитация қилинган тренерлар миллий базасини барпо этишга қаратилгандир. Ана шу аккредитацияга мушарраф бўлган тренерлар келгусида Миллий уюшма, Ўзбекистон кредит уюшмалари ассоциацияси ва маҳаллий тайёрлов марказлари билан ҳамкорликда тренинглари ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, мазкур умумэтироф этилган халқаро сертификатлаштириш Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилмоқда.

Лойиҳанинг вазифаси микроолиявий ташкилотларга молия бобида барқарор бўлишга ёрдам беришдан ташқари улар ўз ижтимоий миссияларини унутмасликларини таъминлашдан иборатдир. Бу йўналишда ишлар бошлаб юборилган. Кейинчалик микроолиялаштириш секторига ижтимоий таъсир кўрсатишни баҳолашнинг ҳисобот, ижтимоий аудит ва рейтинг тизими сингари муҳим воситаларини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Умуман олганда Лойиҳанинг бутун фаолияти микроолиялаштиришга жалб этилган ва унинг раванқ топишдан манфаатдор турли миллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга ва мувофиқлаштириб боришга қаратилгандир.

Гулнора АБДУНАЗАРОВА,
мухбиримиз.

ЎЗИГА ЎЗИ ОЛИБ КЕЛАДИ



Юридик шахсни ташкил этмасдан туриб турғун шохобчада чакана савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркор ўзи олиб келмаган, балки Ўзбекистон Республикасида жойлашган ташкилотдан ўзининг ҳисоб-китоб рақамидан пул ўтказиш бўйича сотиб олган импорт товарини сота оладими?

Мазкур ташкилот ТИФ иштирокчиси ҳисобланади, унда БЮД ва мазкур товарга доир бошқа ҳужжатлар бор. Мазкур битимга оид барча ҳужжатларим расмийлаштирилган, ҳисобварақ-фактура ёзилган.

Маслаҳатлар бериш чоғида солиқ органлари ўзаро қарама-қарши жавоблар бериб, бунда куйидаги ҳужжатларга асосланадилар:

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига илова);

ВМнинг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2004 йил 12 августдаги 387-сон);

Тижорат фаолияти учун товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарорига 1-илова).

Мен мазкур ҳужжатларни диққат билан ўқиб чиқдим, бироқ уларда буюм бозорларидаги савдо тўғрисида сўз борган. Турғун шохобчалардаги савдо хусусида умуман гапирилмаган. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг талаблари, савдо қилиш жойидан қатъи назар, чакана савдо қилаётган барча якка тартибдаги тадбиркорларга тааллуқлими? Агар тааллуқли бўлса, нима учун қарорларда айни буюм бозорларидаги савдо алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Товар нақд ҳисоб-китоб йўли билан харид қилинганда биз қандай ҳужжатларни расмийлаштиришимиз шарт? Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарни пул ўтказиш ёки карточка асосида сотиб олишга ҳақлимизми?

Якка тартибдаги тадбиркор.

¹Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 407-сон қарорига илова.

²МВ, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, ДСҚнинг АВ томонидан 2003 йил 8 январда 1197-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

³МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган тахрирда.

АГАР ПЕНСИОНЕР ИШЛАШДА ДАВОМ ЭТСА



МЧЖга пенсионер аёл бош бухгалтер лавозимига йиллик баланс ва бошқа бухгалтерия ҳисоботларини топшириш учун 2009 йилнинг 18 ноябридан 31 декабригача ва 2010 йилнинг 4 январидан 28 февралигача вақтинчалик ишга қабул қилинди. У билан меҳнат шартномалари тузилди, шунингдек ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқлар чиқарилди. 2010 йил 1 мартдан у яна ишга қабул қилинди, бироқ энди доимий ишга олинди.


Ташқириб берсангиз, мазкур ишлаётган пенсионерга юқорида кўрсатилган иш давлари учун пенсия қандай миқдорда – пенсиянинг 50 ёки 100%и тўланиши керак?

Р.Тевосян, кадрлар бўлимининг бошлиғи.

– Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби* 31-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ календарь йил мобайнида 2 ойгача муддатда меҳнат шартномаси (контракти) бўйича вақтинча ишлаётган пенсионерларга пенсия улар яшаётган жойда тўлиқ миқдорда тўланади. Бунда пенсионер ушбу ойларда кетма-кет ёки узилиш билан ишлаганининг аҳамияти йўқ.

Сизнинг хатингизга қараганда, 2009 йил мобайнида пенсионер 18 ноябрдан 31 декабригача, яъни бир календарь йил мобайнида 2 ойдан

*ИТВ, ВМ ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, ИИБ, МХХ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатдан ўтказилган.



– Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом¹, шунингдек Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операциялари ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомнинг² (бундан кейин – 1197-сон Низом) 12-банди талабларидан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркорларга чакана савдони:

а) юридик шахслар – ишлаб чиқарувчилар ёки юридик шахслар – улгуржи етказиб берувчилардан майда туркумлар билан нақдсиз ҳисоб-китоблар йўли билан харид қилинган;

б) бевосита якка тартибдаги тадбиркор томонидан импорт бўйича олиб келинган;

в) ўзи тайёрлаган (сотиш тақиқланмаган);

г) бошқа якка тартибдаги тадбиркорлар – ишлаб чиқарувчилардан фақат нақдсиз ҳисоб-китоблар


йўли билан харид қилинган товарлар билан чакана савдони амалга оширишга рухсат берилади.

Шу сабабли, импорт товарини юридик шахс – улгуржи етказиб берувчидан харид қилиб, агар буни тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлса, уни реализация қилишга ҳақлисиз.

Сиз айтиб ўтган ҳужжатларда бозорларда, шу жумладан турғун савдо шохобчаларида якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан савдо фаолиятини, шунингдек бозордан ташқаридаги турғун шохобчалардаги савдони амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрлар мавжуд.

1197-сон Низом 12-бандининг маъносидан келиб чиққанда сиз нақд ҳисоб-китобга сотиб олинган товарни реализация қила олмайсиз. Сиз пул ўтказиш йўли билан, шунингдек пластик карточкалар ёрдамида харид қилинган товарларни сота оласиз. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомнинг³ 84-бандига биноан пластик карточкалардан фойдаланиб қилинган ҳисоб-китоблар нақд пулсиз ҳисоб-китобларга тенглаштирилади.

Артём ОТСТАВНОВ,
«Норма» МЧЖ
эксперт-юристи.



қайта ҳисоб-китоб қилишни ва вақтинча ишлаш даврида олинган пенсиянинг 50%ини доимий ишга жойлашиш чоғида қайтаришни талаб қиладилар. Ҳужжатга ушбу масала бўйича аниқлаштириш киритиш мақсадга мувофиқдир. Агар Пенсия жамғармаси бўлимининг қарорига рози бўлмаса, пенсионер судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

- “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотларига солиқ имтиёзлари бериш тўғрисида”.

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

- ЎзР ДБКнинг “Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори;

- ЎзР молия вазирининг “Ўсимлик (пахта) ёғи учун қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги буйруғи;

- ЎзР ДБКнинг “Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори;

- ЎзР ДБКнинг “Божхона брокери тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

● МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ Тўғрисида 2010 йил 29 МАЙДАН 11 ИЮНГАЧА Бўлган МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ВАҚТИНЧА ЖОЙЛАШТИРИЛГАН ҚИРГИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КўРСАТГАН РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИГА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИШ Тўғрисида

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 26-27-сон, 214-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 июндаги 402-ф-сон фармойишига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Давлат захирасидан товар-моддий бойликларни бепул ажратиш билан бир қаторда 2010 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига республика ташкилотлари томонидан бепул товарлар бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва ихтиёрий хайриялар тарзида 10,0 млрд сўм миқдорда инсонпарварлик ёрдами кўрсатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2010 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча жойлаштирилган Қирғизистон Республикаси фуқароларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатган республика ташкилотлари фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани улар томонидан инсонпар-

варлик ёрдами сифатида берилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва ихтиёрий хайриялар қийматига камайтиришга ҳақлидир.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси: Андижон, Фарғона Наманган вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган солиқ имтиёзини олиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар рўйхатини, шунингдек уларнинг солиқ солинадиган базасини камайтириш миқдорларини аниқлаштирсин;

берилаётган солиқ имтиёзи тўғри қўлланилиши юзасидан қатъий назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2010 йил 7 июль
140-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕЭКСПОРТ БОЖХОНА РЕЖИМИ Тўғрисидаги НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилган,
рўйхат рақами 1134-2

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 24-25-сон, 200-модда)

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда) ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,

*2010 йил 25 июндан кучга киради.

1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қилади:

1. Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1134, 2002 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат божхона қўмитасининг раиси
С.НОСИРОВ.

Тошкент ш.,
2010 йил 1 июнь
01-02/12-9-сон.

ЎзР ДБКнинг
2010 йил 1 июндаги 01-02/12-9-сон қарорига
ИЛОВА

РЕЭКСПОРТ БОЖХОНА РЕЖИМИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ўЗГАРТИШЛАР*

1. 2-банднинг учинчи хатбошисида «бешинчи» сўзи «тўртинчи» сўзи билан алмаштирилсин.

2. 4-бандда:
тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
бешинчи—тўққизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи—саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 6-бандда:
иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«божхона постининг бошлиғи томонидан, агар илгари вақтинча олиб кириш ва божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида жойлаштирилган товарлар реэкспорт қилинаётган бўлса»;

учинчи хатбоши «режимига» сўздан олдин «божхона омбори, вақтинча сақлаш, йўқ қилиш» сўзлари билан тўлдирилсин.

*Илова тахририят томонидан ўзбек тилига ўзгирилган. Маълумотнома тусига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БЎЙРУҒИ

ЎСИМЛИК (ПАХТА) ЁғИ УЧУН ҚАТЪИЙ МИҚДОРДА БЕЛГИЛАНГАН АКЦИЗ СОЛИҒИ СТАВКАСИНИ ҚАЙТА КўРИБ ЧИҚИШ ТўҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилган,
рўйхат рақами 2115

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 24-25-сон, 209-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) 12-1-сонли иловасига мувофиқ буюраман:

1. Ўсимлик (пахта) озиқ-овқат ёғи учун (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатила-

диган ёғ бундан мустасно) қатъий белгиланган акциз солиғи ставкаси қайта кўриб чиқилиб, 1 тонна учун 657 900 сўм миқдорида белгилансин.

